



Qo'shib olish (BIRLASHTIRISH) haqida ma'lumotnoma

07.07.2022 r

Qo'shib olishdagi asosiy korxonalar

Nomi	AJ "NBU INVEST GROUP"
Manzili	Toshkent shahri, Mirobod tumani, Ya.G'ulomov ko'chasi, 95-uy,
STIR	206956121

Qo'shib olishdagi asosiy korxonalar oldingi tasischilari

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	200836354	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT MILLIY BANKI	894 729	100.00
			315 000.00	%
<b>Ustav fondi 894 729 315 000.00 UZS</b>				100.00 %

Qo'shib olishdagi asosiy korxonalar keyingi tasischilari

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	200836354	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT MILLIY BANKI	894 729	100.00
			315 000.00	%
<b>Ustav fondi 894 729 315 000.00 UZS</b>				100.00 %

Asosiy korxonalar qo'shilgan korxonalar

Nomi	MChJ "NBU BUNYODKOR INVEST"
Manzili	Toshkent shahri, Mirobod tumani, YAXYO GULOMOV, 95,
STIR	304714904

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

Imzo : KUNUSHOV FARRUX BASTAMOVICH

**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

“NBU INVEST GROUP”  
акциядорлик жамияти  
ягона акционерининг  
2022 йил “06” июлдаги  
05 -сонли қарори билан

**“NBU INVEST GROUP”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
УСТАВИ  
(янги тахрирда)**



## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “NBU INVEST GROUP” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ҳамда “NBU INVEST GROUP” масъулияти чекланган жамияти ягона иштирокчисининг 2020 йил 30 апрелдаги 67-сонли қарорига асосан акциядорлик жамиятига қайта тузиш орқали қайта ташкил этилган.

1.3. Жамият, 2008 йил 31 мартда давлат рўйхатидан ўтган “NBU INVEST GROUP” очиқ акциядорлик жамиятининг, 2014 йил 30 декабрда давлат рўйхатидан ўтган “NBU INVESTMENT” масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси бўлган “NBU INVEST GROUP” масъулияти чекланган жамиятининг ҳамда 2017 йил 6 мартда рўйхатдан ўтган “NBU BUNYODKOR INVEST” масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Жамият ўз фаолиятини Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставга мувофиқ олиб боради.

1.5. Жамиятнинг фирма номи:

ўзбек тилида (кирилл алифбосида): тўлиқ номи – “NBU INVEST GROUP” акциядорлик жамияти, қисқартирилган номи – “NBU INVEST GROUP” АЖ;

ўзбек тилида (лотин алифбосида): тўлиқ номи – “NBU INVEST GROUP” aksiyadorlik jamiyati, қисқартирилган номи – “NBU INVEST GROUP” AJ;

рус тилида: тўлиқ номи – акционерное общество «NBU INVEST GROUP», сокращенное – АО «NBU INVEST GROUP»;

инглиз тилида: тўлиқ номи – “NBU INVEST GROUP” joint-stock company, сокращенное – “NBU INVEST GROUP” JSC.

1.6. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

1.7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига (устав фондида) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамият давлат тилида ва инглиз тилида тўлиқ фирма номи ёзилган ҳамда ўзининг тимсоли (логотиби) тасвирланган юмалоқ муҳрига эга бўлади.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.9. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили): 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@nbuig.uz](mailto:info@nbuig.uz).

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.nbuig.uz](http://www.nbuig.uz)



1.10. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида белгиланган тартибда банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

1.11. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва Жамиятнинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар юзасидан ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида таввакалчилик хавфларини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

1.13. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Жамият кузатув кенгаши (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши) томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.14. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.15. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамият, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

1.16. Ушбу устав билан тартибга солинмаган ҳуқуқий муносабатлар Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

2.1. Жамият фаолиятининг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида фойда олиш учун ҳар қандай қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан иборат.

2.2. Жамиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардир:

- инвестиция ва молиявий хизматларни кўрсатиш;
- тижорат ташкилотларни таъсис этиш ёки уларнинг устав капиталига улушлар киритиш (акциялар сотиб олиш) орқали иштирок этиш, шу жумладан чет элда корхоналар, ташкилотлар, савдо уйлари, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш;



- мулклар ва активларни, шу жумладан улушларни бошқариш, таъсисчи топшириғи ва унинг номидан менежмент (бошқариш) хизматларини кўрсатиш;
- қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция фонди, инвестиция активларини ишончли бошқариш, трансфер-агент ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси сифатида профессионал фаолият, шу жумладан андеррайтинг ва депозитар хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиш;
- ўз номидан ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозлар чиқариш, қимматли қоғозларга маблағларни йўналтириш, қимматли қоғозларни сотиб олиш-сотиш;
- чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар ташкил этиш ва бошқача тарзда ҳамкорлик фаолиятини юритиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарга инвестиция киритиш учун хусусий хорижий сармояни жалб этиш;
- маҳаллий эмитентларнинг акцияларини халқаро фонд биржаларида жойлаштириш;
- корхоналарга қўшиб юбориш ва сингдириб юбориш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- венчур инвестициялар;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- қонун ҳужжатларига асосан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
- баҳолаш фаолиятини амалга ошириш;
- лизинг фаолиятини амалга ошириш;
- бизнес режалаштириш ва молиявий таҳлил хизматларини кўрсатиш;
- ахборот ва маркетинг хизматларини кўрсатиш.

Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Жамиятнинг фаолияти мазкур Уставда белгилангани билан чекланмайди.

2.3. Шуғулланиш учун махсус лицензия (рухсатнома) талаб қилинадиган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли лицензия (рухсатнома) олинганидан кейин амалга оширилади.

### **III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамият устав фонди миқдори **894 729 315 000,0** (саккиз юз тўқсон тўрт миллиард етти юз йигирма тўққиз миллион уч юз ўн беш минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган **894 729 315** (саккиз юз тўқсон тўрт миллион еети юз йигирма тўққиз минг уч юз ўн беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияга бўлинган.

3.3. Жамиятнинг устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.4. Жамият қўшимча чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган **250 000 000,0** (икки юз эллик миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.



### **а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш**

3.5. Жамиятнинг устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.6. Кўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.8. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

3.9. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3.10. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда ушбу уставда кўрсатилган эълон қилинган акцияларнинг сони жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

3.11. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

### **б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш**

3.12. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

3.13. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.14. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.15. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади.



Кредиторлар Жамиятнинг устав фондиди камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайрилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

#### **IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

4.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган оддий эмиссиявий қимматли қоғоз ҳисобланади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

4.2. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

4.3. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра амалга оширилади.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

#### **V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

5.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштириши мумкин.

Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда ўтказилади.

5.2. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.3. Жамият акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.



Корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари орқали амалга оширилади.

5.4. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди кўпайтириладиганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

## **VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Жамият акциядорлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Ҳар бир оддий акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.4. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини Қонунда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.



6.6. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

- ушбу устав ва қонунчилик талабларига риоя қилиш;

- тижорат сирини ташкил этувчи Жамият фаолиятига оид маълумотларни, шунингдек бошқа махфий ҳужжатларнинг (маълумотларнинг) таркибини ошкор қилмаслик;

- қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият томонидан сўралган маълумотларни тақдим этиш.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам оладилар.

## **VII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

7.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.3. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.4. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.5. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.



#### 7.6. Жамият:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали (устав фонди) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.7. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қилади.

### **VIII. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ**

8.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан устав фондининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг камида 5 (беш) фоизи миқдоридан ажратмалар орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ҳамда Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Жамият ташкил этиш мақсади, миқдори, ташкил этиш ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ белгилаб бериладиган бошқа фондлар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

8.4. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, Жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

### **IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

9.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқарув)

### **X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

10.2. Жамият Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш) мумкинлиги ҳақидаги масалалар, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ҳамда Қонун ва ушбу уставга мувофиқ бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.



10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

10.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига қуйидагилар киради:

1) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

2) Жамиятни қайта ташкил этиш;

3) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

7) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

8) ўз акцияларини олиш;

9) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

10) Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

11) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва бизнес-режасини, шунингдек Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

12) Жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

13) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

14) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

15) Жамият акцияларини майдалаш ва йириклаштириш;

16) Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига, Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;

17) қонунчиликда белгиланган холларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш ва Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

18) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

19) Жамият томонидан акциялар ва корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) Жамият томонидан қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;



22) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

23) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

24) қонунчиликда белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

25) Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори, тўлаш шакли ва тартибини белгилаш;

26) Жамиятнинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

27) Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятига кирувчи битимларни белгилаш;

28) қонун ҳужжатларида, ушбу уставда, Ациядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низомда ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10.7. Овозга қўйилган ва ушбу уставнинг 10.5.1), 10.5.2), 10.5.3), 10.5.5), 10.5.13) ва 10.5.17)-бандларида келтирилган масалалар бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда қатнашаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат малакали кўпчилик овози билан, қолган масалалар бўйича қарорлар уларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкил қилиш ва ўтказиш, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш билан боғлиқ барча масалалар қонунчилик, ушбу устав ва Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Ациядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

10.9. Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлган ҳолатда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун ва ушбу устав билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда, Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалар қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

## **XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

11.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу устав билан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига, ушбу уставга ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга мувофиқ иш юритади.



11.2. Жамият Кузатув кенгаши ваколатига қуйидаги масалалар киради:

- 1) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) Акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ҳамда Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 8) Жамият Бошқарув аъзоларини (Бошқарув раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 9) Жамиятнинг келгуси йил учун бизнес-режасини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда маъқуллаш;
- 10) Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- 11) Жамият Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Жамият Бошқарувидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- 12) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 13) Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 14) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида тавсиялар бериш;
- 15) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 16) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш, ваколатхоналари ва бошқа бўлинмаларини очиш, уларни тугатиш, филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- 17) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 18) қонун ҳужжатларида ҳамда ушбу уставда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 19) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 20) қонун ҳужжатларида, ушбу уставда, Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.3. Жамият Кузатув кенгаш аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.



11.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият Бошқаруви аъзолари, унинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.7. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, шунингдек акциядор талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этса, ушбу мажлис ваколатли ҳисобланади (кворумга эга).

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирishi шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирishi тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.8. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

11.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.



11.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.11. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

## ХII. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг жорий фаолияти устидан раҳбарлик коллегиял ижроия органи – Бошқарув томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви 7 (етти) кишидан иборат. Бошқарув ишига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

12.2. Бошқарувнинг ваколатларига Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиш ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустано.

12.3. Бошқарув Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

12.4. Бошқарув қонун ҳужжатларига, ушбу уставга ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият ижроия органи тўғрисидаги низомга мувофиқ иш юритади.

12.5. Жамият Бошқарувининг ваколатлари (вазифалари):

а) Жамиятни ривожлантириш дастурларини ва бизнес режасини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини ташкил қилиш ва мониторингини амалга ошириш;

б) Жамиятнинг инвестиция активларини сотиш шартларини тасдиқлаш бўйича ўз ваколати доирасида қарор қабул қилиш;

в) Жамият активлари бўйича белгиланган тартибда эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратиш бўйича қарор қабул қилиш;

г) Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз ваколати доирасида тасарруф қилиш;

д) акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборот олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендлар тўлови бўйича барча ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлаш;

е) Жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

ё) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

ж) ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ёки бегоналаштириш билан боғлиқ битимни тузиш;



з) қонун ҳужжатларида, ушбу уставда, Жамият ижроия органи тўғрисидаги низомда ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

12.6. Бошқарув мажлислари Бошқарув раиси томонидан заруратга қараб ўтказилади.

12.7. Бошқарув, агар унинг мажлисида 60 фоиздан кўпроқ аъзолари қатнашаётган бўлса, кун тартибидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилишга ҳақлидир.

12.8. Бошқарув мажлисида қарорлар мажлисда қатнашган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Йиғилишда масалаларни ҳал қилишда Жамият Бошқарувининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлганда, Жамият Бошқаруви раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

12.9. Бошқарув мажлисида баённома юритилади, унга мажлисда қатнашган Бошқарув аъзолари имзо қўяди. Бошқарув мажлисининг баённомалари Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига биноан тақдим этилади.

12.10. Бошқарув раиси қонунчиликда белгиланган тартибда Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Бошқарувнинг қолган аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш Жамият Кузатув кенгаши қарори билан амалга оширилади.

Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномалари Жамият Бошқаруви раиси томонидан имзоланади.

12.11. Жамият Бошқарув раиси Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ҳамда давлат муассасаларида, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотларда Жамият ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

12.12. Бошқарув раисининг ваколатлари:

- а) Жамиятнинг умумий раҳбарлигини амалга оширади;
- б) ўз ваколати доирасида Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимларни имзолайди;
- в) Жамият номидан ишончномалар беради;
- г) банкларда ҳисобрақам ва бошқа ҳисобларни очади, Жамиятнинг ҳисоб-китоб, молиявий ва бошқа ҳужжатларини ва ҳисоботларини имзолайди;
- д) Бошқарув аъзолари ва Жамиятнинг бошқа ходимлари ўртасида вазифалар ҳамда ваколатларни тақсимлайди;
- е) Жамият штат жадвалини тасдиқлайди, Бошқарув аъзолари ва Жамиятнинг бошқа ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади, ходимларга ойлик меҳнат ҳақиға устамаларни тасдиқлайди, ходимларни Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда рағбатлантиради, уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади, ходимларга нисбатан интизомий чораларни қўллайди;
- ё) Жамият филиаллари ва ваколатхоналарининг штат жадвалини тасдиқлайди, филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;
- ж) Жамиятнинг барча ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқаради;
- з) Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизоми ва ижро интизомига риоя қилинишини назорат қилади;



и) қонун ҳужжатларига, ушбу уставга, Жамият ижроия органи тўғрисидаги низомга ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

12.13. Бошқарув раиси Жамият Акциядорларининг умумий йиғилишида молия йили яқунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

### **ХШ. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

#### **а) Тафтиш комиссияси**

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга Тафтиш комиссияси сайланади.

Айни бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.2. Жамият Тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

13.3. Жамият Тафтиш комиссияси:

а) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича қонун ҳужжатларида, ушбу уставда ва Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда текширади (тафтиш қилади) ҳамда текшириш яқунларига кўра тегишли хулосани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига олиб чиқади;

б) Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлайди ва ушбу хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига олиб чиқади;

в) қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тафтиш комиссияси қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамият Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Тафтиш комиссияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хулоса тузади.

Тафтиш комиссиясининг хулосаси Жамият Акциядорларининг умумий йиғилишида эшитилади.

13.5. Жамият Бошқарув аъзолари ҳамда ходимлари Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этишлари лозим.

13.6. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига кўйиладиган малака талаблари ва Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Жамият Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.



## **б) Ички аудит хизмати**

13.7. Жамиятнинг Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

13.8. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг Ички аудит хизмати, шунингдек, Жамият томонидан устав капиталидаги 50 (эллик) фоизидан юқори улуш эгаллик қилинаётган юридик шахслар билан амалга ошириладиган операцияларни ҳам назорат қилади.

13.9. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

## **в) Аудиторлик ташкилоти**

13.10. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

13.11. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **XIV. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ**

14.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисоботни тақдим этади, шунингдек ҳужжатлар айланиши ва ҳужжатлар сақланишини ташкил қилади.

14.2. Жамиятнинг молиявий йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

14.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкый манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

14.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

## **XV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

15.1. Жамиятни қайта ташкил ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **XVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

16.1. Ушбу уставда акс эттирилмаган масалалар Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.



16.2. Ушбу уставнинг айрим қоидалари қонун ҳужжатларига зид келган ҳолларда, уставга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар улар ўз кучини йўқотади ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

16.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият уставига киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинади.

16.4. Ушбу уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки уставнинг янги таҳрири давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

16.5. Ушбу устав қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

**“NBU INVEST GROUP” АЖ**  
**Бошқарув Раиси**



**А.Ш. Ходжаев**